Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 6 ноябрь, № 233 (9404) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТОҒ-КОН САНОАТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев «Навоийуран» корхонаси ва «Ўзбекистон технологик металлар комбинати» акциядорлик жамиятининг 2026 йилдаги устувор вазифалари ҳамда келгуси режалари юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда жаҳонда муҳим минераллар ва металларга талаб жадал ўсиб бормоқда. Хусусан, анъанавий металларга талаб йилига ўртача 1 фоизга ўсаётган бўлса, критик минераллар бозорида бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этмоқда. Шунга мос равишда мамлакатимизда ҳам мавжуд минерал-хомашё базасидан самарали фойдаланиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Тақдимотда дастлаб “Ўзбекистон технологик металлар комбинати” фаолияти ва уни ривожлантириш режалари кўриб чиқилди.

Комбинатда геология-қидирувдан тортиб қазиб олиш, бойитиш, чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ технологик занжирни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йил якунига қадар 12 та инвестиция лойиҳасини ишга тушириш, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар турини кўпайтириш, юқори софликдаги селен ва теллур ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари муҳим минераллар бўйича истиқболли лойиҳаларни тезлаштириб, мавжуд 5 турдаги маҳсулотга (вольфрам, молибден, селен, теллур, рений) қўшимча равишда яна 11 турдаги маҳсулот (никель, кобальт, графит, сурма, қалай, марганец, платина, ванадий, симоб ва мис) ишлаб чиқаришни ўзлаштириш вазифасини қўйди. Шунингдек, соҳага илм-фан ютуқларини кенг жалб этиб, қўшимча минерал захираларни аниқлаш муҳимлиги таъкидланди.

Режага кўра 2030 йилгача 16 турдаги муҳим металлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажмини 2,7 миллиард доллардан ошириш кўзда тутилмоқда.

Айниқса, вольфрамни чуқур қайта ишлаш бўйича йирик лойиҳалар ишлаб чиқилган. Уларни амалга ошириш учун 1,1 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш, 2030 йилга бориб ушбу йўналишда ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 2,2 миллиард долларга етказиш мўлжалланган.

Шунингдек, ноёб ва камёб ер элементларига бой истиқболли майдонларни ўзлаштириш, комбинатнинг ресурс базасини кенгайтириш ва инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш юзасидан таклифлар кўриб чиқилди.

Тақдимотда “Навоийуран” корхонасининг жорий йилдаги фаолияти ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш режалари ҳам муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда жаҳон бозорида уран хомашёсига талаб 15 — 20 фоизга ошган. 2030 йилгача эса яна 28 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Бундай шароитда мамлакатимизда уран қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш, янги конларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уран саноатини зарур ресурслар билан барқарор таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу мақсадда жорий йилда геология-қидирув ва технологик бурғилаш ишларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, қўшимча сорбция қурилмаларини ишга тушириш ҳамда 250 та иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишда зарур кимёвий реагентлар таъминоти муҳим ўрин тутади. Шу боис маҳаллий саноат корхоналари ўртасидаги кооперацияни кучайтириш, техник олтингугурт, сульфат ва нитрат кислотасини етказиб бериш ҳажмларини кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Президентимиз ишлаб чиқаришда муқобил технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш, 2030 йилгача сульфат кислотаси ўрнини босувчи реагентлар улушини 40 фоизга етказиш зарурлигини қайд этди.

Умуман, ушбу чора-тадбирлар ва янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобига 2030 йилгача уран ишлаб чиқариш ҳажмини жорий йилдаги 7,5 минг тоннадан 15 минг тоннага, аниқланган захиралар ҳажмини эса 200 минг тоннага етказиш режалаштирилмоқда.

Тақдимот якунида мутасаддиларга инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, корхоналарнинг минерал-хомашё базасини мустаҳкамлаш, янги технологик қувватларни ишга тушириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ОСТОНА ШАҲРИГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 ноябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Токаев ҳамда Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II таклифига биноан амалий ташриф билан Остона шаҳрига келди.

Аэропортда мамлакатимиз етакчисини Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

6 ноябрь куни Президентимиз сунъий интеллект соҳасида хавфсизликни таъминлаш, унинг террористик ва экстремистик мақсадларда ишлатилиши билан курашиш ҳамда янги технологик хатар ва тахдидларга қарши туришда халқаро ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Ақаба жараёни доирасидаги учрашувида иштирок этади.

ЎзА.



ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ

БУ ЙИЛ МАМЛАКАТИМИЗДА 5 МИЛЛИОН ТОННАДАН ЗИЁД ЮКСАК ПАХТА ХИРМОНИ БУНЁД ЭТИЛИБ, РЕКОРД КЎРСАТКИЧ, ТАРИХИЙ НАТИЖАГА ЭРИШИЛДИ.

Ўзбекистон пахтачилик бўйича юқори салоҳиятга, деҳқонларимиз бой тажрибага эга. Шу боис кейинги йилларда аграр соҳанинг мазкур тармоғи сифат жиҳатдан ривожланиб, инновацион босқичга ўтмоқда. Бироқ 2026 йил мамлакатимиз пахтачилигида туб бурилиш ясаган йил сифатида тарихда қолиши, шубҳасиз. Негаки, ноябрь ойининг дастлабки кунларида 5 миллион тоннадан зиёд юксак пахта хирмони бунёд қилиниб, Янги Ўзбекистон тарихида рекорд натижа қайд этилди.

Ифтихор

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу юксак марра муносабати билан Ўзбекистон деҳқон ва фермерлари ҳамда барча қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригида алоҳида таъкидланганидек, бу пахтачилик соҳасидаги Янги Ўзбекистон мўъжизасидир.

Дарҳақиқат, иқлим ўзгариши таъсирида кузатилаётган қурғоқчилик ва сув танқислиги, айни чигит қадаш ҳамда ҳосилни йиғиб-териб олиш мавсумларида эса ёнғингарчиликнинг ортиб кетиши каби табиат инжиқликларига қарамасдан мўл ва юқори сифатли саноат хомашёси етиштирилаётгани алоҳида таҳсинга лойиқ.

Бу йилги мавсум муваффақияти кўламини теранроқ англаш учун ғўза майдонлари 38 фоизга қисқартирилгани ҳолда ялпи ҳосил 5 миллион тоннадан ортганини, ўртача ҳосилдорлик эса 2,7 карра ошиб, 21 центнердан 56 центнерга етказилганини келтириш кифоя, назаримизда.

Таққослаш учун, 2000 йилда 1,4 миллион гектар ерга чигит қадалиб, Ўзбекистон бўйича жами 3 млн. тонна пахта териб олинган. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг “Бу ютуқнинг ижодкори сизлар — азамат деҳқон ва фермерларимиз, моҳир агроном, сувчи, механизатор, олим ва мутахассисларимиз, кластер ходимлари, десак, адолатли фикрни айтган бўламиз”, деган сўзлари айни ҳақиқат.



Дориламон кунлар келди...

Пахтачиликда қўлга киритилаётган ютуқларнинг яна бир муҳим омили бор. У ҳам бўлса, давлат эътибори туфайли соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, бозор механизмлари амалда жорий этилаётгани, қулай бизнес муҳити яратилиб, қишлоқ меҳнаткашлари моддий манфаатдорлиги оширилаётганидир. Бунинг қадрини илгари умри далада ўтиб, бири икки бўлмаган деҳқонлар авлодлари, айниқса, яхши билади.

Собиқ совет даврида, хусусан, ўтган асрнинг 80-йилларида республикамизда суғориладиган майдонларнинг деярли барчаси, аниқроғи, 2 миллион гектар ер пахта етиштириш учун ажратилган. Шу заминдан олинган “оқ олтин” азиз кўрилиб, уни яратган заҳматкаш деҳқонлар қадри топталган, оёқ ости қилингани аччиқ ҳақиқат. Пахтачилик эл-юртимизга манфаат эмас, кулфат, азоб-уқубат олиб келган. Қуруқ туҳматга қурилган “ўзбек иши” оқибатлари бунинг тасдиғидир.

➡2

ИНҚИЛОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР:

МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Ҳар қандай мамлакат тарихида шундай даврлар бўладики, уларнинг аҳамиятини фақат амалга оширилган ишлар, бунёд этилган иншоотлар ёки иқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчаб бўлмайди. Бундай паллаларда жамият дунёқараши, инсоннинг ўз имкониятларига ишончи, миллатнинг келажагига муносабати ҳам ўзгара бошлайди. Эҳтимол, тараққиётнинг энг мураккаб ва айни пайтда энг муҳим жиҳати ҳам шундадир.

Акс садо

Яқинда матбуотда эълон қилинган таниқли сиёсатшунос, давлат ва жамоат арбоби Қудратилла Рафиқовнинг **“Шавкат Мирзиёев инқилоби ёхуд мен нима учун Президентим билан ғурурланаман?”** сарлавҳали публицистик эссесини ўқир эканмиз, беихтиёр ана шу ҳақда ўйлай бошлаймиз.

Нега шундай? Сабаби муаллиф одатий сиёсий таҳлил доирасидан чиқиб, мамлакатда амалга оширилаётган янгиланиш ҳамда ўзгаришларнинг маънавий-руҳий асослари, миллий ўзликни англаш, мустақил фикрлаш ва тарихий тафаккурни қайта кўриб чиқиш масалаларига мурожаат қилади. Айниқса, бу ҳаракатларнинг мақсади жамият дунёқарашини ўзгартириш, янги инсон ҳамда чин маънодаги суверен мамлакатни бунёд этишга қаратилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу янада кўзга яққолроқ ташланади.

Эътиборли жиҳат шундаки, мақолада “инқилоб” тушунчаси анъанавий сиёсий маъносидан кенгроқ талқин этилади. Муаллиф уни, аввало, инсон ва жамият тафаккуридаги туб бурилишлар, партикуляризм, эски қарашлар инерциясидан халос бўлиш, миллий тараққиётга янгича ёндашувни шакллантириш билан боғлайди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлига назар ташлар эканмиз, сиёсий ирода ва халқчил қабул қилинаётган қарорлар асносида жамият ҳаётининг турли соҳаларида янгиланиш жараёнлари кечаётганини кўрамиз.

➡3

ХАЛҚИМИЗНИНГ ШИЖОАТИ МАҲСУЛИ

Эришилган ва эришилаётган ютуқлар ҳар бир халқнинг миллий ғурурини, қадди ҳамда қадрини юксалтиради. Шу маънода, бугун халқимиз қалбида ана шундай ғалаба сурури жўш урмоқда, десак, муболаға эмас. Юртимизда узоқ ва машаққатли меҳнатнинг самараси ўлароқ 5 миллион тоннадан зиёд пахта хирмони яратилди. Бу фидойи, заҳматкаш деҳқон ва фермерлар, агрономлар, сувчилар, механизаторлар, олимлар ҳамда кластер ходимлари, умуман, меҳнаткаш халқимизнинг шижоати маҳсули. Айни чоғда мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, фермерларнинг меҳнатга бўлган муносабатининг ўзгарганлиги, замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларининг амалий ифодасидир.

Муносабат

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон деҳқон ва фермерлари ҳамда барча қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригида пахтачиликда ҳосилдорлик аввалги даврларга нисбатан 2,7 баробар ошганини, бу йил эса айрим ҳудудларда гектаридан 100 центнердан ортиқ ҳосил олинганини алоҳида таъкидлади. Бу жуда муҳим. Чунки қишлоқ хўжалигида барқарор натижага эришиш учун фермернинг фақат меҳнати эмас, унинг ҳуқуқий ва иқтисодий манфаатлари ҳам ишончли ҳимояланган бўлиши керак.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантириш, фермерларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш ва кластерлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 2023 йил 12 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантириш чоралари белгиланди. Унда маҳсулот етиштирувчиларнинг ҳамкорларни ихтиёрий танлаши, кластерлар фаолиятига қўйиладиган талаблар ва соҳадаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилган.

➡2

11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ҚОНУНИЙЛИК ВА АДОЛАТ

Инсон қадри, унинг меҳнатига муносиб баҳо бериш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, саломатлигини асраш — ҳар қандай ижтимоий давлат тараққиётининг муҳим мезони. Зеро, мамлакатнинг иқтисодий қудрати ҳамда жамият фаровонлиги, аввало, ўз меҳнати билан ҳаётимизни обод этаётган ишчи-ходимларга боғлиқ.

Айниқса, Оролбўйи минтақасида бу масала алоҳида аҳамият касб этади. Табиий-иқлим шароитлари, экологик омиллар ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ қийинчиликларга қарамай, минглаб юртдошларимиз қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, транспорт, энергетика, тиббиёт ва таълим соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқда. Уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, хавфсиз иш шароитларини яратиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда саломатлигини тиклаш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши фаолиятида устувор йўналишлардан бири.

Таъкидлаш жоизки, бугун касаба уюшмалари ходим ва иш берувчи ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш билан бирга меҳнат муносабатларида қонунийлик ҳамда адолатни таъминлашда фаол иштирок этиб келаётир. Табиийки, бу жараёнда жамоа шартномалари муҳим ҳуқуқий механизм бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида 8 288 та юридик шахсда жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, улар орқали 309 270 нафар ходимнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари, имтиёз ҳамда кафолатлари таъминланмоқда. Қувонарлиси, мазкур кўрсаткичлар ўтган йилдагига нисбатан сезиларли даражада ўсган. 204 та корхона ва ташкилотда тариф коэффициентларининг оширилиши натижасида 28 мингдан зиёд ходимларнинг иш ҳақи кўпайишига эришилди. Шунингдек, ходимлар учун қўшимча таътиллар, ижтимоий имтиёзлар, иш вақтининг мақбул тартиблари ҳамда бошқа кафолатлар жорий этилмоқда.

➡4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 6 ноябрь



ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ

1 Ўша давр матбуотида ёзилишича, “пахта иши”да айбланиб, 22 мингга яқин кишилар ҳибсга олинган. Минг-минглаб айбсиз одамлар қамалган. 11 йил қамоқ жазоси тайинланган, сўнг оқланган, Шаҳрисабз туманида хўжалик раиси бўлган Шуҳрат Бобоёров ана шулардан бири эди. Унинг матбуотда эълон қилинган сўнгги интервьюсида келтирилишича, раҳбарлар ва деҳқонлар ғайриқонуний тергов ва ноҳақ айбловлар билан қамалиб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жазоларга гирифтор этилган.

“Ўша вақтда бизнинг хўжалик 5,8 минг, мажбурияти билан 6 минг тонна; туман 62,5 минг, вилоят — 600 минг, республика 6 миллион тонна пахта топшириши керак экан. Юқоридан туриб, теппа-тенг тақсимланганга ўхшайди. Кулгили нисбат”, деб эслаганди Шуҳрат Бобоёров.

— Бундай қисмат менга ҳам таниш, — дейди Бўка туманилик Махсуда Ҳусанова. — У кунларни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади. Ахир колхозимиз раиси Саттор Абдужабборов, мен ишлаган пахта қабул қилиш пункти раҳбари Эркин Абдуллаев ноҳақ айбланиб қамалиб кетишган-да! Мен ҳам “пахта иши” деб аталган жазо машинаси домига тушиб қолган эдим...

Ўшанда пахта қабул қилиш пунктида лаборатория мудири эдим. Лекин бизда ҳеч қандай ҳуқуқ бўлмаган, фақат имзомиз керак бўлган, холос. Тепадан келган қоғозларга имзо қўйиб беришга мажбур эдик. Шунинг ортидан бир йил терговга қатнаганман. Ёш келинчакман, эшитмаган гапим қолмаган. Бахтимга хўжайиним мени тушунган инсон бўлиб чиқди. Доим ёнимда турган. Ахир ҳомиладор аёлнинг терговма-тергов, судма-суд юриши, куракда турмайдиган гап-сўзларини эшитиши осонми?!

1985 йилда суд залидан оқланиб чиққанимдан уч кун ўтиб фарзандли бўлганмиз ва ўғлимизга Озодбек деб исм қўйганмиз. Президентимизнинг пахтакорларга йўллаган табригини ўқиб кўзимга ёш келди. Айниқса, “ўзбек иши”нинг азоб-уқубатлари кўз олдимдан ўтиб, бугунги дориламон кунларга шукрона қилиб ўтирибман...

Сиёсий ирода ва қатъият тантанаси

Яшириб нима қилдик, халқимиз мустақиллик йилларида ҳам пахта монополиясидан буткул халос бўла олмаганди. Унинг ортидан келиб чиққан “мажбурий меҳнат” ва “болалар меҳнати” каби тавқи лаънатдан Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси туфайли қутулдик. “Ҳамма ўзининг ишини қилсин”, деган қатъий қарордан сўнг ўқитувчи, талаба ва ўқувчиларни, бюджет ташкилотлари ходимларини дала ишларига жалб этишга чек қўйилди.

Бугун булар худдики оддий ҳолатдай туюлиши мумкин. Аслида, бу оддий ҳолат эмас, бу — инқилобий ҳолат!

Буни Янги Ўзбекистон ёшлари унчалик ҳис қилишмас. Аммо бу кунлар қадрини янги ўқув йилини пахта даласида бошлаган авлод жуда яхши билади. Сабаби, олий ўқув юрти талабаларини пахта теримига чиқариш мустақилликдан кейинги йилларида ҳам одатий ҳол ҳисобланарди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси билан ушбу номақбул амалиётга буткул чек қўйилди.

Ўшанда, яъни 2017 йилнинг 21 сентябрь куни талабалар ва ўқитувчиларни пахта далаларидан қайтариш бўйича буйруқни эшитганлар ҳанг-манг бўлиб қолгани рост. Айримлар буни “вақтинчалик кампания”га йўйди. Баъзи хорижий нашрлар эса мазкур ижобий ҳолатни олқишлаш ўрнига унга худдики хато хатти-ҳаракатдек тус беришга интилди.

Мана, гувоҳи бўлиб турибмизки, бу инсон қадрини улуғлаш, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялашга қаратилган ислоҳотларнинг дастлабки натижаси экан.

Яқин ўтмишда халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистонга айнан пахтачиликдаги мажбурий меҳнат туфайли савдо-сармоявий муносабатларда турли чекловлар жорий қилинар, юртимиз хориж ОАВнинг танқид нишонига айланиб қолган эди. Охирги ўн йилликда Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик маҳсулотлари етказиб беришда ижтимоий, экологик ҳамда иқтисодий муваффақият тарихига

> ***Бу йилги мавсум муваффақияти кўламини теранроқ англаш учун ғўза майдонлари 38 фоизга қисқартирилгани ҳолда ялпи ҳосил 5 миллион тоннадан ортганини, ўртача ҳосилдорлик эса 2,7 карра ошиб, 21 центнердан 56 центнерга етказилганини келтириш кифоя, назаримизда.***

эга мамлакат сифатида тан олинди. Буни халқаро ҳамжамият, хориж матбуоти алоҳида эътироф этиб келмоқда. Хусусан, “Forbes” журнали мухбири Брук Робертс-Ислом ўз мақоласида ўзбек пахтасига қўйилган бойкот бекор қилингани ҳақида ёзар экан, буни мамлакатда инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ислоҳотлар ва соҳани модернизациялашга қаратилган иқтисодий сиёсат самараси сифатида эътироф этганди.

Чиндан ҳам, кейинги йилларда пахтачилик тамомила янгиланиш томон юз бурди. Натижада ялпи ҳосил миқдорининг ўсишига баъзи жойлардагидек экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, аксинча, инновацион ва интенсив агротехнологиялар ёрдамида эришилмоқда. Тупроқ-иқлим шароити пахтачиликка мос бўлмаган туманларда ғўза парваришидан воз кечилиб, пахтадан бўшаган ерларга ҳудуд учун мос ва сердаромад экинлар етиштириш йўлга қўйилгани фикримиз тасдиғидир.

Оқилона қарор

2021 йил охири — 2022 йил бошлари эди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон пахтачилигидаги ҳолатни таҳлил этаркан, қуёшли юрт, унумдор ер, асрий деҳқончилик анъаналари, меҳнаткаш фермерларга эга давлат нега пахта ҳосилдорлиги кўрсаткичи бўйича Австралия, Хитой ёки Туркия каби мамлакатлардан орқада қолмоқда, нима учун паст натижа билан чекланиб ўтирибди, деган ҳақли саволни ўртага ташлади.

Ўша кезлари турли таклифлар янгарди: навларнинг барчасини алмаштириш керак, хориждан мутахассис олиб келиш зарур, бошқа мамлакатлар тажрибасини тўлиқ кўчириб олиш самарали... Баъзилар эса бу соҳани батамом ташлаб, бошқа йўналишга ўтиш вақти келди, деб ҳисобларди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ана шундай оғир пайтда оқилона қарор қабул қилди. Соҳани илм-фан ютуқлари, замонавий агротехнологиялар асосида ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланди. Бошида бунга ишонмасдан, шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди. Аммо танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканини бу йилги натижаларимиз рўйирост тасдиқламоқда.

Гап шундаки, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб пахтачиликда “ақлли” қишлоқ хўжалиги тамойиллари қўлланилди. Яъни мазкур тармоқда анъанавий усуллардан воз кечилиб, ресурс тежамкор юқори самарали интенсив агротехнологияга ўтилди. Бу ўзгариш, аввало, ғўза уруғчилигидан бошланди.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, шу пайтгача пахта ҳосилининг катта қисмининг бой берилишида маҳаллий навларнинг кўсак қуртига чидамсиз эканлиги асосий сабаблардан бири бўлгани ойдинлашди. Шу боис хориж навлари майдонлари йил сайин кенгайтирилиб, ғўза навлари янгиланди. Пировардида ўзбек пахтачилигига янги деҳқончилик маданияти ҳам кириб келди. Бу юртимизда 90 сантиметрли яккақатор чигит экиш схемасидан тўлиқ воз кечилгани билан изоҳланади. Эндиликда халқаро тажриба асосида уруғ 76 сантиметрли интенсив схема асосида қўш қатор қилиб экиляпти. “Шинжон интенсив агротехнологияси” деб аталган ушбу усулда 200 — 240 минг тупгача ниҳол ўстирилиб, ҳосил 20 центнергача оширилади.



Мана исботи: жорий йилда қарийб 400 минг гектар майдонда ўртача ҳосилдорлик 70 центнерни ташкил этган бўлса, салкам 70 минг гектарда бу кўрсаткич 100 — 110 центнерга етди.

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши бўлими бошлиғи Зокир Алламуродовнинг айтишича, республикамиздаги 4 мингдан зиёд фермерлар ҳосилдорликни ўртача 60 — 70 центнердан, 2,5 минг нафари эса 80 центнердан оширган бўлса, 1 мингга яқин фермер хўжаликлари ва кластерлар ўртача 100 центнерлик маррани босиб ўтди. Жарқўрғон туманидаги Улуғбек Сўпиев ана шундай илғор пахтакорлар вакилларидан бири.

— Илгари ҳосилдорликни зўрға 30 — 35 центнерга етказар эдик, — дейди у. — Аммо сарф-харажат ошиб кетиб, фойданинг чўғи паст бўларди. Бу йил Шинжон усулида хориж навини парваришлаб, ҳар гектардан 110 центнердан пахта териб олдик. Даламизга келган хитойлик мутахассислар ҳосил мўллигидан икки қўлини кўтаришди. Уларнинг айтишича, Хитойнинг ҳамма жойида ҳам бизникидек ҳосил бўлмас экан. Мақтанчоқликка йўймасангиз айтаман: ўша янги технология олиб келган мутахассислар энди бизнинг тажрибамизни ўрганишмоқда.

Янгилик ўз номи билан янгилик. Уни ўзлаштириш учун янги билим ва ўзаро тажриба алмашиш ўта муҳим.

Пахтачиликда жорий этилаётган ушбу агротехнология йилдан-йилга бутун дунёда камайиб, глобал муаммога айланиб бораётган сув тақчиллигини юмшатишда энг мақбул ечимлардан бири сифатида ҳам аҳамиятлидир. Чунки интенсив агротехнологияда тўлиқ томчилатиш усулига таянилади. Бу эса юртимизда сув ресурсларидан тежаб фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳамоҳангдир. Натижада пахтачиликда сув сарфи 90-йиллардагига нисбатан 2 карра камайиб, ҳар бир куб метр обиҳаёт эвазига олинаётган ҳосил миқдори ошиб бораётгани қувонарлидир.

Энди ҳосилни машиналар теради

Кекса деҳқонларнинг айтишича, пахтачилик серташвиш юмуш. Чунки бу зироатнинг иши кўп, агротехникаси оғир. Аммо кейинги пайтда мазкур қарашлар ўзгармоқда. Қўл меҳнатидан воз кечилиб, деҳқончиликда янги босқичга ўтиляпти, яъни механизациялаштириш даражаси ошиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари тушунтиришича, мамлакат бўйлаб оммалаштирилаётган Шинжон усулида ғўза қатор ораларига

> ***Мен ҳам “пахта иши” деб аталган жазо машинаси домига тушиб қолган эдим... Ўшанда пахта қабул қилиш пунктида лаборатория мудири эдим. Лекин бизда ҳеч қандай ҳуқуқ бўлмаган, фақат имзомиз керак бўлган, холос. Тепадан келган қоғозларга имзо қўйиб беришга мажбур эдик. Шунинг ортидан бир йил терговга қатнаганман. Ёш келинчакман, эшитмаган гапим қолмаган. Бахтимга хўжайиним мени тушунган инсон бўлиб чиқди. Доим ёнимда турган. Ахир ҳомиладор аёлнинг терговма-тергов, судма-суд юриши, куракда турмайдиган гап-сўзларини эшитиши осонми?! 1985 йилда суд залидан оқланиб чиққанимдан уч кун ўтиб фарзандли бўлганмиз ва ўғлимизга Озодбек деб исм қўйганмиз. Президентимизнинг пахтакорларга йўллаган табригини ўқиб кўзимга ёш келди. Айниқса, “ўзбек иши”нинг азоб-уқубатлари кўз олдимдан ўтиб, бугунги дориламон кунларга шукрона қилиб ўтирибман...***

техника кирмайди, кетмончи чопиқ қилиши, миров сув ёқалаб юришига ҳам ҳожат йўқ. Агродронлардан фойдаланиш, масофадан бошқариш, сунъий идрок имкониятларини қўллаш даврига келдик. Энг асосийси, бу босқичда ҳосил ҳам машиналар ёрдамида йиғиштириб олинадики, натижада вақт ва ресурслар каррасига тежалади.

Узоққа бормайлик, жорий йил етиштирилган пахта ҳосилининг 85 фоизи 3 мингдан ортиқ пахта териш машиналари ёрдамида атиги 30 — 35 кунда териб олинди. Механизациялаштиришда Жиззах ва Сирдарё вилоятлари етакчига айланиб, 100 фоизлик даражага чиқди.

— Суяги далада қотган, деган ибора бизга нисбат бериб айтилган бўлса керак, — дейди Дўстлик туманидаги “Эшниёз бобо” фермер хўжалиги раҳбари Муртазоқул Бўтаев. — Ўқувчилик давримиздан пахтага чиққанмиз. Декабрь ойида, қиш-қировли кунларда ҳам далада, чанокда қолган толани излаб юрардик...

1996 йилдан буён фермерман. Ҳар йил пахта етиштирамиз. Лекин шу пайтгача бундай ҳосил бўлмаган. Дастлаб гектаридан 20-21 центнердан пахта олган бўлсак, баъзи йилларда 40 центнерга чиққанмиз. Минг машаққат билан етиштирилган ҳосилни ёмғирли кунларга қолдирмасдан териб олиш эса яна бир азоб. Ҳашарчиларни олиб келиш, уларнинг озиқ-овқати, яшаш шароити... Эҳ-ҳе, икки ой давомида уйқу нималигини билмасдик. Ишонасизми, бу йил атиги бир ҳафтада ҳосилимизни саранжомлаб олдик. 100 фоиз машинада тердик. Харажат ҳам, ташвиш ҳам камайди!

Фермернинг қувонганича бор. Чунки мазкур мавсумда фаолиятидаги энг юқори кўрсаткич қўлга киритилди. Ҳосилдорлик 96,2 центнерга етган. Бунинг ҳисобига у пахтачиликдан 2,7 миллиард сўм даромад кўзлаб турибди. Шундан 1,6 миллиард сўми соф фойда!

Ҳа, тармоқда юксак натижаларга эришилишида давлат томонидан ажратилаётган молиявий ресурслардан оқилона фойдаланилгани, тўлов интизоми яхшиланиб, субсидиялаш такомиллаштирилгани, суғурта тизими яратилгани муҳим роль ўйнаяпти. Энг асосийси, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги ортмоқда. Бу йил фермерларимизнинг пахтадан 13-14 трлн. сўм соф фойда олиши кутилаётгани қишлоқ одамларининг ҳаёти янада обод ва фаровон бўлишидан дарак.

Ўзбекистон пахтачилигида янги тарих ёзилмоқда. Шубҳасиз, бу, аввало, Президентимиз томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хусусан, пахтачиликка замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва илм-фан ютуқларидан унумли фойдаланиш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг самарасидир.

Бинобарин, бугун давлат раҳбари орзу қилган мақсадларга эришилмоқда: эндиликда деҳқон ва фермерларимиз ёз жазирамасида даласида қора терга ботиб ишламайди, тараққий топган давлатлардаги сингари қўлидаги мобиль қурилма орқали экин ҳолатини реал вақт режимида кузатиб, суғориш, озиқлантириш каби агротехника тадбирларини масофадан туриб бошқаряпти. Ҳосилни чанокка минг эгилган қишлоқ аёллари эмас, замонавий ва юқори унумли машиналар териб оляпти. Буларнинг барчаси пахтачилик соҳасида инсон қадри улуғланган мамлакатимизда қўл меҳнатига барҳам берилиб, илм ва инновацияга асосланган янги даврга қадам қўйилганидан ёрқин далолатдир.

Саид РАҲМОН
(«Халқ сўзи»).

ХАЛҚИМИЗНИНГ ШИЖОАТИ МАҲСУЛИ

1 Шу йил 29 июндаги “Пахта-тўқимачилик соҳасида молиявий барқарорликни ошириш ҳамда толани чуқур қайта ишлашни қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 28 сентябрда қабул қилинган “Аграр соҳада молиявий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш ва таваккалчиликларни бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар билан аграр соҳада молиявий қўллаб-қувватлаш ва субсидиялаш механизмларини такомиллаштириш масалалари ҳуқуқий кафолатланган.



Буларнинг барчаси фермернинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш ва соҳада барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Демак, энди биз фақат пахта ҳажми билан эмас, уни етиштириш самарадорлиги, сифати ва фермернинг якуний даромади билан ҳам ҳисоблашишимиз керак. Энг асосийси, пахтани хомашё сифатида сотиш билан чекланиб қолмасдан уни чуқур қайта ишлаш, тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали қўшимча қиймат яратиш чораларини кўришимиз зарур.

Келгуси йилларда олдимизда турган мақсадимиз серҳосил пахта навларини экиб, кўпроқ пахта етиштириш билан бирга, шу орқали фермернинг кўпроқ даромад олишини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётига эса кўпроқ қўшилган қиймат яратиш масаласи ҳисобланади.

Анвар ТЎЙЧИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР, ИЛМ-ФАН ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УЙҒУНЛИГИ

Бугун мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва аграр соҳа ўз тараққиётида янги тарихий босқични бошдан кечирмоқда. Янги Ўзбекистон тарихида илк бор 5 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси етиштирилиб, рекорд хирмон бунёд этилгани нафақат аграр соҳадаги улкан ютуқ, балки кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳаётий ифодасидир.

Фикр



Мана шу юксак марра ва фидойиларнинг меҳнатини алоҳида эътироф этиш мақсадида Президентимиз томонидан халқимиз деҳқон ва фермерлари ҳамда барча қишлоқ хўжалиги ходимларига табрик йўлланди.

Эътиборли жиҳати, мазкур натижа иқлим ўзгариши, сув ресурслари тақчиллиги ва табиий шароит билан боғлиқ мураккабликлар тобора кучайиб бораётган бир шароитда қўлга киритилди. Бу эса ўзбек деҳқонининг салоҳияти, билим ва тажрибаси, меҳнатсеварлиги ҳамда замонавий технологияларни ўзлаштиришга интилишини яна бир бор намоён этди.

Албатта, бугунги тарихий натижаларни соҳада амалга оширилган тизимли ўзгаришлардан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Кейинги йилларда пахтачиликда эскича бошқарув усулларидан воз кечилиб, бозор тамойилларига асосланган янги муносабатлар шакллантирилди. Пахта монополиясига барҳам берилди, чигит экиладиган майдонлар 38 фоизга қисқартирилди, мажбурий меҳнатга чек қўйилди.

Энг муҳими, деҳқон ва фермернинг меҳнати, манфаати ва иқтисодий мустақиллигига устувор аҳамият қаратила бошланди. Бу бежиз эмас. Чунки аграр соҳадаги ҳар қандай ислоҳотнинг асосий мезони, энг аввало, ерда меҳнат қилаётган инсоннинг даромади, турмуш даражаси ва эртанги кунга ишончидир.

Бу йил фермерларимиз пахтадан 13-14 триллион сўм соф даромад олиши кутилаётгани мазкур йўналишдаги ишлар самарасини кўрсатади. Бу нафақат фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлайди, балки қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, келгуси йилда пахтадан ўртача ҳосилдорликни 65 — 70 центнерга етказиш мақсадининг белгиланган олдинда турган вазифалар кўламини кўрсатади. Бунинг учун эса серҳосил уруғлик навларини кенг жорий этиш, агродронлардан фойдаланиш, сув ва энергия тежовчи технологияларни ривожлантириш, сунъий интеллект имкониятларини аграр соҳага татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш, субсидия ва суғурта механизмларини такомиллаштириш, сув таъминотидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, етиштирилган маҳсулот учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш масалалари ҳам доимий эътиборимизда бўлиши лозим. Бунда биз, халқ вакиллари парламент ва депутатлик назоратининг имкониятларидан самарали фойдаланишимиз, жойларда фермерлар билан очиқ мулоқотларни янада кучайтиришимиз муҳимдир.

Қолаверса, Тошкентда ўтказилган Халқаро пахта куни анжуманида 30 дан зиёд мамлакатлар вакиллари томонидан Ўзбекистонда Бутунжаҳон пахтачилик марказини ташкил қилиш таклифининг илгари сурилгани юртимизда аграр соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётганини англатади.

Энг муҳими, биз бугун пахта етиштириш ҳажмини ошириш билан бирга, унинг иқтисодий самарадорлиги, сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган янги тараққиёт моделини шакллантирмоқдамиз. Бу эса мамлакатимизнинг озиқ-овқат ва иқтисодий хавфсизлиги, экспорт салоҳияти ҳамда қишлоқ аҳолиси фаровонлиги учун муҳим аҳамиятга эга.

Беш миллион тоннадан зиёд пахта хирмони — бу оддий статистик кўрсаткич эмас. Бу ислоҳотларга ишонч билдирган деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати, илм-фан ва замонавий технологиялар уйғунлиги, давлат томонидан яратилган имкониятлар ҳамда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти натижаси, десак, адашмаймиз.

Муқаддасхон АҲМЕДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Бухорода қурилаётган 300 миллион долларлик янги халқаро аэропорт бир вақтнинг ўзида 20 та самолёт ва 1 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконига эга бўлади.

Онлайн мулоқот

ШЕРИКЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ



Кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Қатар парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ўртасидаги онлайн мулоқотда икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш масалалари ҳамда истиқболдаги устувор йўналишлар муҳокама марказида бўлди.

Мулоқот чоғида парламентлараро алоқаларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, 2025 йил апрель ойида Қатар Шўро Кенгаши Спикери Ҳасан бин Абдуллоҳ ал-Ғоним бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи давомида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик меморандуми имзолангани бу борадаги муҳим қадамлардан бири сифатида қайд этилди.

Томонлар парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, мунтазам учрашувлар ўтказиш, парламент аъзоларининг ўзаро ташрифларини ташкил этиш ҳамда эришилган келишувлар ижросини таъминлаш масалаларини кўриб чиқди.

Шунингдек, ёш парламент аъзолари ўртасида тажриба алмашиш дастурларини ривожлантириш, уларнинг халқаро парламент тадбирларидаги иштирокини кенгайтириш, Осиё Парламент ассамблеяси доирасидаги шерикликни фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Энергетика, саноат, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

БУХОРОНИНГ ОСОРИАТИҚАЛАРИ МЕҲМОНЛАРДА КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Тожикистон Республикаси Мажлиси олий Мажлиси миллий делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида меҳмонлар Бухоро шаҳрининг тарихий ва меъморий обидаларини зиёрат қилди.

Зиёрат

Меҳмонларга осориатиқаларнинг бунёд этилиши, меъморий хусусиятлари ва миллий маданий меросимиздаги аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Жумладан, делегация аъзолари қадимий шаҳарнинг бой тарихи, меъморчилик анъаналари ва маданий меросини ўзида мужассамлаган Исмоил Сомоний мақбараси ҳамда Арк қалъаси билан танишди.

Маълумки, Исмоил Сомоний мақбараси Марказий Осиё меъморчилигининг ноёб намуналаридан бири бўлиб, IX-X асрларга оид қадимий санъат анъаналарини акс эттиради. Бухоронинг кўп асрлик тарихида муҳим ўрин тутган Арк қалъаси эса узоқ вақт давомида ҳукмдорлар қароргоҳи ва давлат бошқаруви маркази бўлган.

Қадимий обидаларнинг бугунги кунгача сақланиб қолган меъморий қиёфаси, Бухоронинг бой тарихий мероси ва ўзига хос муҳити меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР ВА МУШТАРАК МАНФААТЛАР

Кеча Олий Мажлис Сенатида бир қатор учрашувлар бўлиб ўтди. Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова Ўзбекистон поло федерацияси раиси Азиз Рустамбоев билан учрашди. Мамлакатимизда от спорти ва полони янада ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг истиқболли йўналишлари масалалари мазкур мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди.

Учрашув

Таъкидланганидек, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни оммавий спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда от спорти, хусусан, полони оммалаштириш муҳим йўналишлардан бири бўлиб, мазкур йўналишда аёллар жамоаларини кўпайтириш, спортчи қизларнинг профессионал даражада шуғулланиши учун муносиб шароитлар яратиш ва уларнинг халқаро мусобақалардаги иштирокини таъминлаш галдаги муҳим вазифалардан саналади.

Қўмита раиси Федерациянинг ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва соҳадаги мавжуд масалаларни ҳал қилишда ҳамкорликка доимо тайёр эканини қайд этди.

Олий Мажлис Сенатининг парламент фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб бораётган изчил ишлари халқаро ҳамжамиятда ҳам тобора қизиқиш уйғотмоқда. Германия халқаро ҳамкорлик жамияти вакиллари, хусусан, ушбу мамлакатнинг “Modeschule Berlin” касбий таълим мактаби ўқувчилари ва ўқитувчиларидан иборат делегация аъзолари билан бўлиб ўтган учрашув бунинг яққол тасдиғидир.

Мулоқотда делегация аъзоларига Сенат фаолияти, унинг давлат бошқарувидаги ўрни, қонун ижодкорлиги жараёни ва парламент назоратини амалга оширишдаги вазифалари хусусида сенаторлар Орал Атаниязова ҳамда Гулнора Маъруфова томонидан батафсил маълумотлар берилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, таълим тизимини ривожлантириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг билим ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга яратилаётган имкониятлар меҳмонлар эътиборидан четда қолмади. Улар юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар борасида ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

«Халқ сўзи».

ИНҚИЛОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР:

МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

1 Давлат ҳамда халқ ўртасидаги мулоқотни кенгайтириш, инсон қадрини эътироф этиш, иқтисодиётнинг эркинлашуви, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг ташқи дунё билан алоқаларини фаоллаштириш, шаҳар ҳамда қишлоқлар қиёфасини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар ана шу жараённинг турли қирралари эканлигида намоён бўлади.

Бироқ ҳар қандай ислоҳотнинг ҳақиқий қиймати унинг инсон ҳаётига қандай таъсир кўрсатишига бевосита боғлиқ. Иқтисодиёт ўсиши, янги бинолар қад кўтариши, йўллар қурилиши, ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилиши муҳим. Аммо бу ўзгаришлар инсоннинг дунёқараши, имкониятлари ва эртанги кунга ишончида ҳам акс этсагина, уларнинг ижтимоий аҳамияти янада теранлашади. Шу маънода, мақолада муаллифнинг жамият тафаккурини янгилаш, шунингдек, эски тафаккур қолдиқлари, сингдирилган қарамлик психологияси, мустамлакачилик яратган “миллий менталитет”, традиционализмнинг хавфли ва зарарли кўринишлари ёки “ўтган замон”-ни идеаллаштириш ҳолатларига алоҳида эътибор қаратиши бежиз эмас. Зеро, эскича фикрлаш ҳамда ёт одатлардан воз кечиш, янгиликка очиқ бўлиш, ташаббус кўрсатиш ва ўз кучига ишониш ҳар қандай тараққиётнинг муҳим шартларидан биридир.

Муаллиф фикрича, тафаккурдаги ўзгаришлар ўз-ўзидан юз бермайди. Инсон тафаккуридаги ҳақиқий ўзгариш унинг атрофидаги воқеликка муносабати янгиланган пайтдан бошлаб рўй бера бошлайди. Кеча табиий ва ўзгармас деб қабул қилинган ҳолатлар бугун савол остига қўйилса, инсон ўз ҳуқуқи, масъулияти ҳамда имкониятини бошқача англаса, демак, тафаккурда силжиш бошланган бўлади. Зотан, янги тафаккурни шакллантириш нафақат маънавий чақириқ, балки жамият ҳаёти ва унинг соҳаларида бўладиган ўзгариш ҳамда туб бурилишларни ўз ичига олган узлуксиз ижтимоий жараёндир.

Миллий ўзлик ва тарихга теран назар

Мақоланинг муҳим ва эътиборли жиҳатларидан бири — миллий ўзликни англаш ва тарихий хотирага муносабат масаласи. Янгиланишнинг моҳиятини англаш, аввало, миллат босиб ўтган йўлга теран назар ташлашдан бошланади. Тарих фақат ўтмишда содир бўлган воқеалар рўйхати эмас. У халқнинг ўзини англаши, бугунги ўрнини белгилаши ҳамда келажакка интилишини таъминлайдиган маънавий таянч ҳамдир. Миллат ўз кечмишини қанчалик теран англаса, келажак йўлини ҳам шунчалик равшан белгилай олади.

Шундан келиб чиқиб, муаллиф ўтган даврга баҳо беришда шаклланган айрим ёндашувларни танқидий таҳлил қилади ва тарих шунчаки ўтмиш воқеалари мажмуи эмаслигига, у миллатнинг ўзини англаши, хатолардан хулоса чиқариши ва келажакка қандай қарашини белгилайдиган муҳим маънавий мезон сифатида намоён бўлишига эътиборни қаратади. Ва “кечаги кун”ни мутлақ қоралашдан кўра, ундан сабоқ олиш зарурлигига урғу беради.

Айни пайтда ўтмиш даврининг сиёсий ва мафкуравий таъсирини кундалик турмушда, ижтимоий муносабатларда ҳамда унинг миллий тафаккурда қолдирган изларига назар ташлайди. “Ўзлигимиз” деб қабул қилинган тушунчалар ва қадриятларнинг қай бири тарихий илдизларга, қай бири эса кейинги даврларда шаклланганлигини диққат марказига олади.

Шу маънода, муаллиф бугунги кунда ҳам нафақат оддий кишилар, балки амалдор ва зиёлилар орасида ҳам тарихнинг ўрта ва яқин ўтмишга “эврилиши”ни пинҳона қўмсайдиган юртдошларимиз ўйлаганимиздан ҳам кўпроқлиги ва бу, ҳеч шубҳасиз, ўзгариши жуда қийин кечаётган тафаккур тарзимиз билан бевосита боғлиқлигини қайд этади.

Дарҳақиқат, миллий ўзлик тарихни танлаб эслаш орқали эмас, балки уни бутун мураккаблиги билан қабул қилиш орқали шаклланади. Ютуқлар, хатолар, оғриқли саҳифалар ҳам миллий хотиранинг бир қисми. Улардан қочиш эмас, аксинча, уларни холис англаш жамият тафаккурини етуклаштиради.

Муаллиф “Янги Ўзбекистон” массивлари ва Янги Тошкент лойиҳасига ҳам алоҳида тўхталади ва уларни оддий шаҳарсозлик ташаббуси доирасидан кенгроқ маънода талқин қилади. Унинг қарашларида бу лойиҳалар одамлар тафаккурини ўзгартираётгани, мамлакатнинг ўз имкониятларига ишончи, замонавий тараққиётга интилиши ва миллий салоҳиятини намоён этиш билан белгиланади.

Аслида йирик бунёдкорлик лойиҳалари ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудрати, шаҳарсозлик маданияти ва келажак ҳақидаги тасаввурларини акс эттиради. Ва унинг асл моҳияти фақат янги ҳудудларни ўзлаштиришда эмас, балки инсонлар учун қулай, хавфсиз ҳамда муносиб ҳаёт муҳитини яратишда акс этади. Зеро, ҳақиқий бунёдкорлик бугунги эҳтиёжни қондириш билан чекланмай, эртанги кун учун ҳам мустаҳкам пойдевор яратади.

Муаллиф давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар ва янгиланишларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва унинг бугунги ҳолати, айниқса, миллий ахборот маконида сифатли ҳамда таъсирчан контент яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Ғурур мезони — натижа ва масъулият

Мақола сарлавҳасидаги “ғурур” тушунчаси ҳам муаллиф ғоясини англашда алоҳида аҳамият касб этади. Инсоннинг ўз юрти, халқи ва Ватани, қолаверса, эл севган фарзандлари эришган ютуқлардан фахрланиши табиий. Миллий ғурур одамларни эзгу мақсадлар атрофида бирлаштиради, уларда масъулият ҳамда дахлдорлик туйғусини кучайтиради.

Бироқ ғурур фақат эришилган ютуқларни эътироф этиш билангина чегараланмайди. У мамлакат келажаги учун масъулиятни ҳис қилиш, камчиликларни бартараф этишга интилиш, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш ва умумий тараққиётга ўз ҳиссасини қўшишда ҳам намоён бўлади.

Муаллиф ғурурни, аввало, натижада кўради. Лекин унинг учун натижа фақат статистика бераётган кўрсаткичлар ёки қурилган бинолар ва иншоотлар сонида эмас, балки кеча мумкин эмасдек кўринган ишлар бугун амалга ошаётгани, иложи йўқ деб қаралган имкониятларнинг оддий ҳодисага айланаётганида янада яққол ифода этилади. Шу маънода, Қудратилла Рафиқов талқинида “ғурур” тайёр натижадан кўра, ўзгаришни бошлашга бўлган ирода, янгилик сари дадил қадам ва эски қолипларни янгилаш жасорати билан боғланади. Ва муайян шахсга муносабат доирасидан чиқиб, давлат ҳамда жамиятнинг ўз куч-қудрати, имкониятлари ва келажагига бўлган ишончи билан уйғунлашади.

> *Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлига назар ташлар эканмиз, сиёсий ирода ва халқчил қабул қилинаётган қарорлар асносида жамият ҳаётининг турли соҳаларида янгиланиш жараёнлари кечаётганини кўрамиз. Давлат ҳамда халқ ўртасидаги мулоқотни кенгайтириш, инсон қадрини эътироф этиш, иқтисодиётнинг эркинлашуви, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг ташқи дунё билан алоқаларини фаоллаштириш, шаҳар ҳамда қишлоқлар қиёфасини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар ана шу жараённинг турли қирралари эканлигида намоён бўлади.*

Қолаверса, муаллиф Янги Тошкентни тилга олар экан, уни фақат янги шаҳарсозлик лойиҳаси сифатида эмас, балки миллий шаън, орномус ва тарихий ўзликни тиклаш рамзи сифатида талқин қилади. Муаллиф айнан шу нуқтада давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ҳамда ватанпарварлигини ўзининг ғурур туйғуси билан боғлайди.

Шу боис мақолада мамлакат етакчиси билан гурурланиш ғояси оддий шахсий эҳтиром доирасида қолмайди. Муаллиф бу туйғуни муайян сиёсий-фалсафий мантиқ билан асослайди. Яъни кенг кўламли ўзгаришлар ортида уларни бошлаб берувчи қатъий сиёсий ирода туради. Бу ирода амалий натижаларда намоён бўлгани сари жамиятда ишонч мустаҳкамланаверади, ана шу ишонч ғурур ва ифтихор туйғусининг шаклланишига замин яратади.

Эътиборли томони, муаллиф “ғурур” туйғусини оддий мақтов ёки ҳиссий муносабат даражасида қолдирмай, уни тарихий хотира билан боғлайди. У узоқ ва яқин кечмишни тилга олар экан, бугунги ўзгаришларни ана шу тарихий манзара фонида баҳолайди. Шу маънода, муаллиф наздида бугунги ютуқ ҳамда янгиланишларнинг қадри кечаги тўсиқлар, чекловлар ва йўқотилган имкониятларни англагандагина тўлароқ намоён бўлаверади.

Мазкур мақолада “инқилоб” ва “ғурур” бир-бирини тўлдирувчи икки асосий тушунча сифатида намоён бўлади. Инқилоб — жамият ва давлат ҳаётидаги туб ўзгаришларни англатса, ғурур — ана шу ўзгаришларнинг инсон қалби ҳамда тафаккуридаги маънавий акс садоси ҳисобланади. Биринчиси, воқеликдаги янгиланишни, иккинчиси эса муаллифнинг бу жараёнга нисбатан шахсий ҳамда фуқаролик муносабатини ифода этади.

Мана шу нуқтаи назардан Қудратилла Рафиқов мақоласининг бош ғояси шундаки, муаллиф сўнгги йиллардаги янгиланишларни мамлакат тараққиётидаги туб бурилиш сифатида талқин қилади. Бу жараёнларни алоҳида ислоҳотлар йиғиндиси эмас, балки давлат, жамият ва инсон тафаккурида кечаётган кенг кўламли ўзгаришлар занжири сифатида баҳолайди. Муаллифнинг ғурур ва ифтихор туйғуси ҳам айнан шу тарихий бурилиш, сиёсий ирода ҳамда унинг амалий натижалари билан боғланади.

Мамлакатдаги ўзгаришлар ҳақидаги ҳар қандай жиддий мулоҳаза ютуқларни эътироф этиш билан бирга, келгуси вазифаларни ҳам кўра билиши керак. Чунки тараққиёт бир марта эришиладиган манзил эмас, доимий изланиш, янгиланиш ва масъулиятни талаб қиладиган жараёндир.

Уйғоқ тафаккур

Мақолада яна бир масалага алоҳида эътибор қаратилган. Замонавий ахборот маконида хабарни тезкор етказишнинг ўзи етарли эмас. Одамлар воқеликнинг ўзи билан бирга, унинг сабаблари, ижтимоий аҳамияти, эҳтимолий оқибатлари ҳамда ўз турмушига таъсирини ҳам билишни истайди. Шу боис таҳлилий журналистика, холис шарҳ, ҳаётий мисолларга таянган репортаж ҳамда сифатли публицистикага эҳтиёж ортиб бормоқда. Чунки жамоатчилик ишончи қуруқ даъватлар билан эмас, ишончли маълумот, далил ҳамда ҳаёт ҳақиқати билан мустаҳкамланади.

Асосийси, миллий ахборот макони мазмунан бой, далилларга таянган, замонавий аудитория эҳтиёжларига мос ҳамда жамиятдаги турли қарашларни холис акс эттириши керак.

Биламизки, энг катта ўзгариш — инсоннинг ўзгариши билан узвий боғлиқ. Муаллиф мақолада жамият тараққиётини иқтисодий ёхуд сиёсий кўрсаткичлар таҳлили билан бирга, тафаккур, миллий ўзлик ҳамда маънавий ўзгаришлар нуқтаи назаридан ҳам мушоҳада қилишга ундайди. Ундаги асосий ғоялардан бири шуки, мамлакатнинг келажаги унинг фуқаролари қандай фикрлаши, ўз имкониятларига қанчалик ишониши ва умумий тараққиётга қай даражада дахлдорлик ҳис қилиши билан ҳам белгиланади.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни жамият тафаккурини янгилаш осон кечмайди. Бу жараён вақт, билим, очиқ мулоқот ва изчил саъй-ҳаракатларни талаб этади. Эски қарашлардан халос бўлиш учун янги шиорларни такрорлашнинг ўзи камлик қилади. Инсон ўзгаришнинг мазмунини англаши, унинг натижасини ҳаётида ҳис қилиши ҳамда келажакни барпо этишда ўзининг ҳам ўрни борлигини тушуниши зарур.

Дарвоқе, мақолада кўтарилган масалалар содда, аниқ ва ўқувчига яқин тилда, мавзуларнинг ортиқча мураккаблаштирилмай, ҳаётий ҳамда равон, қолаверса, кенг аудитория учун халқчил тилда баён этилгани публицистик эссенинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигини янада оширади, десак, айни ҳақиқат.

...Инқилоб. У фақат ташқи ўзгаришлардан изланмайди. Баъзан энг чуқур янгиланиш инсоннинг ўз имкониятларига муносабати ўзгарганида, жамиятда эркин фикр ва масъулият ҳисси кучайганида, халқ ўз келажагини барпо этишда фаол иштирок эта бошлаганида намоён бўлади.

Мақола мазмун-моҳияти ҳақида теран мушоҳада юритар эканмиз, бир ҳақиқат янада ойдинлашади: тараққиётнинг энг ишончли пойдевори — уйғоқ тафаккур, миллий ўзликни англаш ва келажак олдидаги масъулият.

Аммо бу пойдевор мустаҳкам бўлиши учун ғоялар ҳаёт билан, ислоҳотлар аниқ натижалар билан, миллий ғурур эса фидойилик ҳамда бунёдкорлик билан уйғунлашиши зарур. Чунки халқнинг эртанги куни ўтмишга ҳурмати ёки бугунидан фахрланиши билан бир қаторда келажаги учун бугун нималар қилаётгани билан белгиланади.

> Ватаннинг энг буюк бунёдкорлиги — унинг инсонлари қалбида ишонч, онгида эркин фикр, тафаккурида маърифат ҳамда амалларида масъулиятни барпо этиш. Қалбларда ишонч уйғонса, тафаккурда янгиланиш бошланса, миллат ўз кучини англаб, келажагини ўз қўли билан қуришга киришса, ҳеч бир эзгу мақсад орзулигича қолиб кетмайди. Чунки миллатнинг энг буюк инқилоби — ўзлигини англаган, бугун масъулият билан яшаётган ва эртанги кунини юксак ишонч билан бунёд этаётган инсоннинг қалби ҳамда тафаккурида илдиз отаверади.

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Хавфсиз муҳит:

ТАҲЛИЛДАН — АМАЛИЙ ЕЧИМГА

Халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг навбатдаги мажлисида маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка сабаб бўлаётган омилларни бартараф қилиш ҳамда профилактика ишлари самарадорлигини ошириш масалалари муҳокамага тортилди.

Маҳаллий Кенгашларда

Унда Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов қатнашди.

Қайд этилганидек, Яшнобод туманидаги 67 та маҳалланинг 3 таси “қизил”, 39 таси “сариқ” ва 25 таси “яшил” тоифага киритилган. Криминоген вазият нисбатан мураккаб бўлган маҳаллаларда профилактика ишларини кучайтириш, ҳуқуқбузарликка олиб келаётган ижтимоий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш зарурлигига урғу берилди.

Сенатор жиноятчилик ҳолатини фақат статистик кўрсаткичлар асосида баҳолаш етарли эмаслигини таъкидлаб, ҳар бир ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни чуқур таҳлил қилиш муҳимлигини қайд этди.

Профилактика инспекторлари ва “маҳалла еттилиги” фаолияти самарадорлигини ошириш, пробация амалиётидан кенг фойдаланиш, юзни ва авторақамларни таниб олувчи замонавий кузатув камералари тармоғини кенгайтириш, ички ишлар органларининг ички ишлар органлари масъуллари олдига жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, воядага етмаганлар, ёшлар, хотин-қизлар, ишсизлар ва муқаддам судланган шахслар билан профилактик ишларни кучайтириш вазифалари қўйилди. “Қизил” ва “сариқ” тоифадаги маҳаллаларда криминоген вазиятни яхшилаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, аҳоли осойишталиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъул идоралар ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Муҳокама чоғида жиноятчилик кўрсаткичлари юқори бўлган ҳудудларда масъул ташкилотлар фаолиятидаги камчиликларга ҳам эътибор қаратилиб, профилактика тадбирларини умумий ёндашувлар асосида эмас, балки ҳар бир маҳалланинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

Мажлис якунида туман ҳокимлиги, прокуратура ва ички ишлар органлари масъуллари ўзаро ҳамкорликни кучайтириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг ёшлар билан мулоқотлари уларда қонунларга ҳурмат, фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.



Сенатор ва ёшлар

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси Жамила Бобоназарова Аниқ ва ижтимоий фанлар университетида талабалар билан учрашди.

Очиқ мулоқот давомида ёшларнинг сифатли таълим олиши, касбий салоҳиятини ошириши, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаши ҳамда мамлакат ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Талабаларнинг фикр ва таклифлари тингланиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Шунингдек, сенатор университет фаолияти, таълим жараёни учун яратилган шарт-шароитлар, моддий-техника базаси ва мутахассислар тайёрлаш борасидаги ишлар билан ҳам танишди.

ВАТАН ПОСБОНЛАРИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Сенатининг 2026 йилга мўлжалланган иш режасига мувофиқ Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмиталари Шарқий ҳарбий округда муддатли ҳарбий хизматчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва хорижий тилларга ўқитиш борасида яратилган шароитларни ўрганмоқда.

Ўрганиш

Мазкур ўрганишлар доирасида республика ишчи гуруҳи аъзолари Фарғона вилоятидаги ҳарбий қисмларда бўлиб, аскарларни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш жараёни, мавжуд ўқув инфратузилмаси ва моддий-техник имкониятлар билан танишди.

Хусусан, ҳарбий хизматни ўтаётган ва бир вақтда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган аскарлар учун яратилган шароитлар, масофавий таълим имкониятлари ҳамда ўқув машғулотларини ташкил этиш ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари касб-ҳунар курсларида таҳсил олаётган ва олий таълим муассасаларига қабул қилинган ҳарбий хизматчилар билан ҳам мулоқотда бўлди. Суҳбат давомида уларнинг таълим олиш жараёни, касбий қизиқишлари, мавжуд муаммолари ва таълим имкониятларини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўрганишлар натижалари асосида аниқланган муаммоларни бартараф этиш, ҳарбий хизматчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Республика ишчи гуруҳининг Шарқий ҳарбий округ ҳудудидаги ўрганишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Тошкентдаги Халқаро Нордик университети негизида ЮНЕСКОнинг Таълимда сунъий интеллектни ўқитиш ва ўргатиш кафедраси ташкил этилмоқда.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 6 ноябрь

Халқаро ҳаёт

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ МАЙДОН

Корея Республикасининг Сеул шаҳрида 3 — 7 ноябрь кунлари бўлиб ўтаётган Осиё сиёсий партиялари халқаро конференциясининг (ICAPP) 13-Бош ассамблеясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Актам Ҳаитов, "Миллий тикланиш" ДП фракцияси раҳбари Алишер Қодиров, ЎзХДП вакиллари ҳамда Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси Илҳом Абдуллаев иштирок этмоқда.

"Ўзгараётган дунёда ишончни қайта тиклаш" мавзуига бағишланган мазкур халқаро анжуманда Осиёнинг 39 мамлакатидаги 92 та сиёсий партия вакиллари, халқаро ташкилотлар ҳамда парламент тузилмалари вакиллари қатнашмоқда.

2000 йилда ташкил этилган ICAPP Осиё қитъасидаги сиёсий партиялар ўртасида кўп томонлама мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи нуфузли халқаро майдон ҳисобланади.

Анжуманда сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий ва глобал муаммоларга нисбатан умумий ёндашувларни шакллантириш, ўзгараётган геосиёсий шароитда ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва сиёсий мулоқотни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, кун тартибидан қатор муҳим вазифалар ўрин олган.

Тадбир доирасида ICAPP медиафорумининг 8-йиғилишини юқори даражада ўтказиш, шунингдек, ассамблея якунлари бўйича Сеул декларациясини қабул қилиш кўзда тутилган.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР — ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг "2026 йилнинг январь — сентябрь ойлари якунларига кўра яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш ҳамда нақдсиз ҳисоб-китобларни рағбатлантириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги ҳисоботи кўриб чиқилди.



Таъкидланганидек, ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулотда кузатилмайдиган иқтисодиётнинг (яширин ва норасмий иқтисодиёт биргаликда) улуши 21,8 фоизни ташкил этиб, 2025 йилнинг мос давридагига нисбатан 2,1 фоиз бандга камайган. Натижада расмий иқтисодиёт улуши 78,2 фоизга етган. Норасмий иқтисодиёт улушининг қисқаришида юридик шахслар ҳиссасига тўғри келувчи яширин иқтисодиётнинг қисқариш тенденцияси кузатилмоқда.

Йиғилишда Президентимизнинг 2025 йил 10 декабрдаги фармони ижроси доирасида 2026 йил 1 апрелдан бошлаб ёнилғи қуйиш шохобчалари, алкоголь ва тамаки савдоси, давлат хизматлари ҳамда йирик харидлар бўйича тўловларни тўлиқ электрон тизимга ўтказиш тартиби амалиётга татбиқ этилишига доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу тартибни жорий қилишда маъмурий талаб билан чекланмай, ҳудудлардаги савдо ва АЁҚШ шохобчалари ҳамда автобозорларда зарур техник инфратузилма яратилаётгани иқтисодиёт тармоқларида тизимли сифат ўзгаришларига олиб келаётгани таъкидланди.

Кўчмас мулк шартномаларининг "эскроу" тизими орқали расмийлаштирилиши фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаётгани, юридик шахсларга ягона QR-код орқали тўлов ўтказилиши рақамли ҳисоб-китобларнинг оммабоп воситага айлантираётгани, пировардида эса Давлат бюджетига қўшимча маблағлар жалб этилаётгани халқ вакилларининг эътиборида бўлди.

Муҳокама давомида депутатлар эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда айрим тармоқ ва ҳудудларда кузатилмайдиган иқтисодиёт улуши ҳануз юқорилигича қолаётганига танқидий баҳо берилди.

Қўмита аъзолари томонидан тадбиркорлик субъектларига ортиқча маъмурий юкламаларни оширмаган ҳолда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш, яширин иқтисодиёт улуши юқори бўлган ҳудуд ва тармоқларда манзилли ишларни кучайтириш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини янада кенгайтириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда, шунингдек, вазирликнинг "БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Унда қайд этилишича, вазирлик томонидан ушбу йўналишда муайян ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Давлат бюджети харажатларини барқарор ривожланиш миллий мақсадлари (БРММ) асосида таснифлаш натижаларига кўра жорий йилда соғлом турмуш тарзи, таълим, инфратузилма ҳамда шаҳар ва аҳоли пунктлари барқарорлигига оид мақсадларга йўналтирилган харажатлар 275,8 трлн. сўмни ёки жами харажатларнинг 59,6 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
қўмита аъзоси:

— БРММ ижросини баҳолашда фақат ажратилган маблағлар ҳажмига эмас, балки ушбу маблағлар ҳисобига эришилган аниқ натижаларга эътибор қаратиш, мақсадли кўрсаткичлар ижросини ҳудудлар кесимида таҳлил қилиб, орқада қолаётган йўналишларни ўз вақтида аниқлаш лозим.



Йиғилишда Миллий ихтиёрий ҳисоботда эришилган натижалар билан бир қаторда бажарилмаган вазифалар ва уларнинг сабабларини ҳам холис акс эттириш, уни тайёрлаш жараёнига Олий Мажлис палаталари ва уларнинг қўмиталарини кенгроқ жалб қилиш ҳамда БРМ кўрсаткичлари бўйича очиқ маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш лозимлиги айтилди.

Якунда кўриб чиқилган масалалар бўйича қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СОҲАСИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси йиғилишида соғлиқни сақлаш вазири Э. Адиловнинг "Тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш борасида амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида"ги ахбороти дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Вазирлик тақдим этган маълумотларга кўра, бугунги кунга қадар соғлиқни сақлаш тизимида 20 дан ортиқ функционал модуль ва рақамли хизматлар жорий этилган. Натижада 4 мингта давлат тиббиёт ташкилоти, 6 мингта хусусий клиника, 11 мингта дорихона рақамли тизимлар билан қамраб олинган.

Шунингдек, тиббиёт муассасаларини замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш, электрон тиббий хизматларни кенгайтириш ҳамда сунъий интеллект технологияларини амалиётга жорий этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, йил якунига қадар кардиология, маммология, гепатология, офтальмология, ретинология ва гематология йўналишларида олтита сунъий интеллект тизимини ишга тушириш режалаштирилган.

Муқаддас ЎРАЗАЛИЕВА,
қўмита аъзоси:



— Тиббиёт соҳасини рақамлаштиришда эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда парламент назорати муҳим ўрин тутади. Биз, депутатлар ўз ваколатларимиз доирасида бу жараёнларнинг қонунийлик ва самарадорлик жиҳатларини ўрганиб борамиз, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини таҳлил қилиб, ҳамда аниқ таклифлар ишлаб чиқиш орқали соҳадаги ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшишга интиламиз.

Муҳокамада қўмита аъзолари вазирнинг парламент эшитувига тақдим этадиган ахборотида соҳада эришилган натижалар билан бир қаторда, ечимини кутаётган масалаларга ҳам эътибор қаратиш зарурлигини қайд этди. Жумладан, давлат тиббиёт муассасаларида Ягона тиббиёт ахборот тизими — DMEDнинг самарали ва тўлиқ жорий қилиниши, хусусий тиббиёт муассасаларининг вазирлик рақамли платформалари билан интеграцияси таъминланиши борасида йўл қўйилаётган камчиликлар, уларнинг ечимлари бўйича аниқ чора-тадбирлар ҳамда келгуси режалар атрофлича ёритилиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда депутатлар томонидан вазирнинг тегишли ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, навбатдаги ялпи мажлисда кўриб чиқиш бўйича қарор қабул қилинди.

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Таъкидланганидек, Олий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси суд амалиётида аниқланган ҳуқуқий бўшлиқлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоялаш кафолатларини кучайтиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал кодексига, "Давлат божи тўғрисида" ҳамда "Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида"ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувларидаги хатоликларни суд тартибида аниқлаш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишнинг аниқ процессуал тартибини белгилаш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, тўловга қобилиятсизлик ишлари доирасида суд бошқарувчиси ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган тақдирда, унга тўланадиган ҳақ миқдорини камайтириш, айрим суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш имкониятларини кенгайтириш, судгача санация қилиш ҳамда суд бошқарувчиларини вазифасидан озод этиш тартиблари аниқлаштирилмоқда.

Ойбек ЙЎЛДОШЕВ,
қўмита аъзоси:



— Ишчи гуруҳ йиғилишида таклиф қилинаётган нормаларнинг амалиётга татбиқ этилиши, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан аниқлиги ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлар манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти юзасидан атрофлича фикр алмашдик. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши судҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш ва судларга ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ҚОНУНИЙЛИК ВА АДОЛАТ

1

Меҳнат муҳофазаси — инсон ҳаёти ва саломатлиги кафолати. Шу маънода, Оролбўйи шароитида меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратиш ғоятда муҳим. Жорий йилнинг ўтган ўн ойида кенгаш томонидан 20 та ташкилотда меҳнат муҳофазаси ҳолати ўрганилиб, аниқланган 44 та қонунчилик ва меъёрий талаблар бузилиши касаба уюшмалари аралашуви билан бартараф этилди. Ҳисобот даврида корхона ва ташкилотлар томонидан меҳнат муҳофазаси учун 16,3 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Меҳнат инсондан куч, сабр ва жисмоний чидам талаб қилади. Айниқса, оғир меҳнат шароитида ишлаётганлар учун мунтазам тиббий назорат, профилактика ва сифатли соғломлаштириш хизматларидан фойдаланиш жуда муҳим. Шу боис касаба уюшмалари фаолиятида меҳнаткашларни санаторийларда соғломлаштириш, саломатлигини тиклаш ҳамда оила аъзолари билан мазмунли дам олишини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан турли тармоқларда меҳнат қилаётган 2 минг нафарга яқин ишчи-ходимлар йўлланма асосида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда, бундан ташқари, йил дастури доирасида 76 нафар ходим бепул соғломлаштирилди. Улар орасида кам таъминланган кўп болали оилаларнинг ишловчи аъзолари, тиббиёт ходимлари, фарзанд кўрмаган оилалар ва меҳнат фаолиятини давом эттираётган кексалар ҳам бор.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳақида гап кетганда, Қорақалпоғистонда барпо қилинган замонавий "Бўзатов" санаторийсини алоҳида эътироф этиш лозим. Негаки, "Бўзатов" — Оролбўйида инсон қадрига қаратилган эътибор рамзи. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан очилган ушбу мажмуа бир вақтнинг ўзида 200 нафар дам олувчини қабул қилиш имкониятига эга. Унда замонавий тиббий хизмат хоналари, физиотерапия ва бальнеологик муолажа бўлимлари, ёпиқ бассейн, спорт ва дам олиш масканлари, қулай ётоқхоналар ташкил этилган. Муҳими, санаторий иш бошлаганидан буён унда 2 854 нафар дам олувчи соғломлаштирилди. Бу рақамлар янги маскан қисқа вақт ичида аҳоли ва меҳнаткашлар учун муҳим соғломлаштириш марказига айланганини кўрсатади.



> ***Меҳнат муҳофазаси — инсон ҳаёти ва саломатлиги кафолати. Шу маънода, Оролбўйи шароитида меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратиш ғоятда муҳим. Жорий йилнинг ўтган ўн ойида кенгаш томонидан 20 та ташкилотда меҳнат муҳофазаси ҳолати ўрганилиб, аниқланган 44 та қонунчилик ва меъёрий талаблар бузилиши касаба уюшмалари аралашуви билан бартараф этилди. Ҳисобот даврида корхона ва ташкилотлар томонидан меҳнат муҳофазаси учун 16,3 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилди.***

Дарвоқе, касаба уюшмалари фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Шундан келиб чиқиб жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида 16 662 нафар фуқарога жами 7 млрд. 559 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Маблағлар кам таъминланган оилалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёш оналар ва бошқа эҳтиёжманд тоифаларни манзилли қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Жумладан, қарийб 3 минг кам таъминланган оилага моддий ёрдам берилиб, уларнинг фарзандларига ўқув қуроллари ҳамда дарсликлар харид қилиш харажатлари қопланди. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган кам таъминланган ва чин етим талабаларнинг шартнома тўловларини тўлашда ҳам яқиндан кўмаклашилди.

Ҳисобот даврида кенгашга келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижасида 42 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг фойдасига 2 млрд. 669 млн. сўмдан зиёд маблағ ундириб берилди. Бундай амалий натижалар касаба уюшмалари фаолияти инсон манфаатларига қанчалик яқин эканини кўрсатади. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида муайян инсон тақдири, бир оиланинг муаммоси ва адолатга ишонч туради.

Маданий ҳордиқ, спорт, саёҳат ҳамда оилавий дам олиш ҳам соғлом турмуш тарзининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шу мақсадда "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастури доирасида меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари учун юртимиздаги диққатга сазовор жойларга саёҳатлар ташкил этилди. Ушбу йўналишда 8 мингдан зиёд ходимларнинг дам олиши учун қарийб 2,8 млрд. сўм сарфланди.

Йил давомида спорт мусобақалари, театр ва музейларга ташрифлар, маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилди. Шунингдек, ёзги мавсумда 24 558 нафар боланинг оромгоҳлар ҳамда маданият-спорт майдончаларида мазмунли дам олиши таъминланди. Барча саъй-ҳаракат меҳнаткашлар ва уларнинг оилаларига кўрсатилаётган юксак эътибор ҳамда ғамхўрликнинг узвий қисмидир.

Бугун меҳнат муносабатлари шиддат билан ўзгармоқда, янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва бандлик шакллари пайдо бўлмоқда. Бу эса касаба уюшмаларидан янада фаол ва ташаббускор бўлишни талаб этади. Олдимизда норасмий бандликка барҳам бериш, меҳнат шартномаларини қонуний расмийлаштириш, мажбурий ва болалар меҳнатининг олдини олиш, иш жойларида хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаш каби муҳим вазифалар турибди. Айни чоғда оғир меҳнат шароитида ишлаётган ходимларнинг саломатлигини тиклаш, санаторий ва соғломлаштириш масканларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга манзилли ёрдам кўрсатиш ишлари изчил давом эттирилади.

Зеро, инсон меҳнати қадрланган, ҳуқуқи ҳимояланган ҳамда саломатлиги эъзозланган жойдагина ўзини азиз ҳис қилади. Бундай муҳит эса жамият тараққиёти ҳамда халқ фаровонлигининг мустаҳкам асосидир.

Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши раиси.

Гидроэнергетика:

РИВОЖЛАНИШ, НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида "Ўзбекгидроэнерго" АЖ: соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилган натижалар ва гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш истиқболлари" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман



Унда жорий йилнинг январь — сентябрь ойлари давомида жамият томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

Жумладан, ҳисобот даврида:

- 6 642,7 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, тўққиз ойлик режа ортиғи билан бажарилди, кунлик электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 50 млн. кВт-соатлик маррадан ошди;
- янги энергетика объектларини барпо этиш, мавжудларини кенгайтириш ва тармоқ инфратузилмаси модернизацияси учун жами 151,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция маблағлари ўзлаштирилди. Шунингдек, АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан 103,2 млн. долларлик инвестициялар йўналтирилди;
- мустақиллигимизнинг 35 йиллигига муносиб туҳфа сифатида умумий қуввати 74,3 МВт бўлган 9 та энергетика лойиҳаси ишга туширилди;
- 576,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 113 фоизни ташкил этди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 8 та лойиҳа бўйича 177,2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди;
- "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги Жамиятнинг узоқ муддатли кредит рейтингини "BB" даражасида, прогнозини "Барқарор" деб тасдиқлади, мустақил кредит профили эса "b+" даражасида баҳоланди.



Анжуманда, шунингдек, гидроэнергетиканинг келгуси тараққиёти йўлида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда янги лойиҳалар хусусида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

«Халқ сўзи».

Келгуси ўқув йилидан Тошкент давлат транспорт университетида учувчисиз авиация тизимлари бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилиши кўзда тутилмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6